


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНинг МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА АХБОРОТ- ТАЪЛИМ ВЕБ-САЙТИ



**Биз билан молиявий
саводхонликни ошириш
жуда осон!**



@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

www.finlit.uz



БАНК МАҲСУЛОТЛАРИГА ОИД КЎРСАТМАЛАР

**Finlit.uz – молия оламидаги
шахсий навигаторингиз**



Молиявий хавфсизлик

Бугунги кунда молиявий хавфсизлик жуда ҳам муҳим ҳисобланади!


Фирибгарлар сизни кўрмасдан, ҳатто бошқа жойда бўлганларида ҳам пулингизни ўғирлашлари мумкин

Банк карталаридан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Қуийдаги маълумотларни бегоналарга ошкор қилманг:

- СМС орқали келган тасдиқлаш кодлари
- Мобил банкнинг логин ва пароли
- Банк картаси ПИН-коди (харидларни тасдиқлаш ва нақд пул ечиб олиш учун)
- Карта маълумотлари (шу жумладан амал қилиш муддати)
- Шахсий маълумот

БАНК КАРТАЛАРИДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ



Банк картасининг амал қилиш муддатини ҳеч кимга ошкор қилманг

✓ Асосий қоидаларга амал қилинг:

- Картани блокировка қилиш, транзакцияларни рад этиш ёки банк картаси билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳақидаги ҳар қандай маълумотни икки марта текширинг. Бунинг учун банкнинг ишонч телефонига мурожаат қилинг

Телефон рақами ҳар доим хизмат кўрсатувчи банкнинг расмий веб-сайтида ёки картанинг орқа томонида кўрсатилган бўлади

- Харид ёки ҳисоб-фактура учун тўловни амалга ошираётганда картангизни сотувчи ва официантларга берманг, уларга ПИН кодингизни айтманг

АСОСИЙ ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ:

- Банк картангиз ва шахсий мобил банкинг кабинетингизга кириш учун мураккаб парол яратинг.
- Бир нечта банк карталарини очинг ва маълум харидлар ва жамғармаларга маблағингизни тақсимланг. Мобил банкинг иловасида электрон ҳамёнлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.
- Ҳар ой банк картаси билан амалга оширилган барча операцияларни текшириб боринг. Натижада кичик миқдордаги ўғирликларнинг олдини олишингиз мумкин.
- Харид ёки ҳисоб-фактура учун тўловни амалга ошираётганда картангизни сотувчи ва официантларга берманг, уларга ПИН кодингизни айтманг



ПИН код қандай маълумотларни ўз ичига олмаслиги керак:

- тўртта бир хил рақамдан иборат бўлмаслиги
- карта устидаги рақамлар билан бир хил бўлмаслиги
- туғилган кун саналари билан боғлиқ бўлмаслиги